

Ishonch

2019 йил 11 июль • пайшанба • № 84 (4213)

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

СУГУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июль кuni суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Суғурта хизматлари иқтисодий турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорига бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас.

Жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган.

Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қисс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Бунинг асосий сабабларидан бири – суғурта хизматлари етарли даражада жозибдор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса-да, ушбу даврда миқозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоиздир.

Йиғилишда Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислох қилиш масаласи муҳокама этилди.

Соҳага назоратчи эмас, илгор ва замонвий стандартларни жорий этадиган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб, суғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис ушбу инспекцияни тугатиб, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этиш таклифи қилинди. Мутасаддиларга суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш

вазифаси қўйилди.

Аввало, аҳоли ва тadbиркорларнинг суғуртага ишончини ошириш зарурлиги таъкидланди. Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасига суғурта даъволарини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ҳолисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси топширилди.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берилди. Жумладан, суғурта компанияларининг лизинг фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш ва лизинг хизматлари бўйича солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқларини суғурта хизматлари билан қамраб олиш муҳимлиги қайд этилди. Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини суғурталаш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан субсидиялаш механизмларини жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлаш, илгор корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш орқали халқаро рейтинглар олиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди.

Суғурта соҳасида замонвий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юрталарида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш ҳақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбари бунга пухта тайёргарлик кўриш, тиббий хизматларнинг минимал ижтимоий пакетини шакллантириш кераклигини таъкидлади.

Ў.А.

Жиззах вилояти



Ватан тарихининг янги даври

Яқинда юртимизнинг сўлим гўшаси Зоминдаги пурвикро тоғлар, қуюқ арчазорлар бағрида – Ўрик-лисойда Навоий кон-металлургия комбинати томонидан барпо этилган 150 ўринга мўлжалланган санаторий бүгун ниҳоятда гавжум.

Шу кунларда сийҳатгоҳда комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари билан биргаликда мамлакатимиз равнақи йўлида хизмат қилган меҳнат фахрийлари, фан ва маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирлар ҳам дам олиб, ҳордиқ чиқаряптилар.



Кун кеча ушбу масканда вилоят ҳокимлиги, Жиззах вилояти касоба уюшмалари бирлашмаси кенгаши ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида «Ўзбекистон тарихининг янги даври» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тadbирда кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар хусусида сўз борди.

– Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ларина Пақ. – Бунинг биргина Зомин туманида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларида ҳам кўришимиз мумкин.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Қаҳрамонлари Исaxon Баҳромов, Муҳаббат

Учрашув



бат Шарапова, «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳибаси Ханифа Арипова, «Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси Самойди Хусенов, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдуқаном Йўлдошев ва бошқалар халқимизнинг янгиланаётган ва тобора кучга тўлаётган заминда эртанги кунга ишончи ортгани, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ошаётгани ҳақида тўққинлаб гапирди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ҳар бир оила – тadbиркор», «Ёшлар – келажагимиз» каби муҳим дастур ва режалар доирасида янгиланишлар хусусида ҳам тўхтадилар.

Тadbир ўзаро мулоқот, савол-жавоб тарзида кечди. Ана шундай тарғибот-ташвиқот тadbирларини ҳар бир меҳнат жамоасида, ҳар бир маҳаллада ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Муҳимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

Дастур ва ижро

Майдаёбу – Косон туманининг чекка қишлоқларидан бири. Туман марказидан салкам олтинчи қақрим олисда жойлашган. Олтинчи нафарга яқин аҳоли яшайдиган қишлоқда учта мактаб бор. Қувонарлиси, ушбу қишлоқ «Обод қишлоқ» дастурига тушган. Дастур бўйича 58-умумтаълим мактабида таъмирлаш ишлари олиб борилган. Вақтида ҳатто уч навбатлаб ўқиш ташкил этилган 16-умумтаълим мактаби учун янги бино қуриш белгиланган. Бунинг учун жой танланган, бунёдкорлар тили билан айтганда, «қозилари қоқилган». Бироқ йил яримлаган бўлса-да, қурилиш ҳамон бошланганича йўқ...

>> 3

Хоразм вилояти

Фаолликка даъват

Хоразм вилояти касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил қилинган тadbирда «Халқ сўзи» ва «Ishonch» газеталарида «Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак» сарлавҳаси остида чоп этилган Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Аҳборот-таҳлил маркази раҳбари Шоқосим Шоисломов билан суҳбат юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Унда бирлашма ходимлари, тармоқ касоба уюшмалари масъул ташкилотчилари, касоба уюшма фаоллари иштирок этди.

– Суҳбатда касоба уюшмалари фаолияти, тизимда амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти, халқимизга кўрсатилаётган ёрдамлар самараси ҳақида кенг тушуنча берилган, – деди вилоят касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Даврон Аллакулиев. – Қолаверса, ундаги фикрлар билан танишиш жараёнида ҳар бир касоба уюшма ходими ўз-ўзига «Бу борада мен қандай фаолият кўрсатаяман, аслида қандай ишлашим керак?» каби саволларни беради.

Тadbирда вилоят касоба уюшма ташкилотлари томонидан Ҳаракатлар стратегияси, Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси, Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда бажарилаётган ишлар ва келгусида қилиниши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳаббат Тўрабоева, «ISHONCH»

Муҳокама, мулоҳаза, муносабат

Кун нафаси

Давлатимиз раҳбари «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-таdbирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади. [uz.uz](http://uza.uz)

«Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-таdbирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. [uz.uz](http://uza.uz)

Хукумат қарори билан «Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди. «Хуқуқий ахборот» канали [uz.uz](http://uza.uz)

Воҳиджон Нажмидинов Осиё баҳодирлар ўйини ва тош кўтариш федерацияси президенти этиб сайланди. [uz.uz](http://uza.uz)

Самарқандда биринчи анъанавий Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги туристик ярмаркаси ўз ишини бошлади. gazeta.uz

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси шу йилнинг 26 июлидан «Қарши – Москва – Қарши» йўналиши бўйича авиақатновларни қайта тиклайди. МАК матбуот хизмати

Бухоро шаҳрида самарасиз саноат ҳудудида замонвий янги мажмуа – «Bukhara City» бунёд этиш ишлари бошланди. Бухоро вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати

Марғилон шаҳрида 11-13 июль кунлари «Буёқ Ипак йўли» халқаро фольклор муносиқа фестивали бўлиб ўтди. daryo.uz

Қозоғистонда ўтказилган спорт курашлари бўйича Осиё чемпионатида юртимиз терма жамоаси 2 та олтин, 5 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритди. Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»

Халқ сўзи
БОЛАЛАРНИ ЖУРНАЛ ЎҚИШДАН КИМ МАХРУМ ҚИЛДИ?

QILA DAVRASIDA
МУҲТОЖЛАРГА БЕРИЛГАН, АММО БЎМ-БЎШ...

Вухоронота
ЕРДА ҚОЛГАН ХАЗИНА

USTAZ JOLI
ЁЗИЛАВЕРИБ ЁЗУВИ УЧГАН МУАММОЛАР

ЖАМИЯТ
СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ «МАЖБУРИЙ ИЖРО» УЧУН МАЖБУРИЙ ЭМАСМИ?

Ma'rifat
YUNUSOBOD – CHILONZOR – YASHNOBOD
Yoxud abituriyentlarga davlat xizmatlari qanday ko'rsatilmog'adi?

Меҳрни оқлаш керак!

Афв этилган аёлларга мактуб

Муҳтарам Президентимиз адашиб жиноятга қўл урган аёлларни кечирди, афв этди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида тузилган Меморандум асосида жорий йил 99 нафар маҳкума аёл афв этилди.

Айтинг, қанча меҳр керак? Қанча шафқат лозим, сўранг? Энди сиз ҳам ҳаё кийинг, Инсоф ганжинасин ўранг.

>> 4

«1 Худудда 2014 йилгача қишлоқ врачлик пункти фаолият олиб борган. Бироқ ҚВПлар сонининг қисқариши натижасида 25 ўринли шифохона ёпилиб, бугунги кунда унинг ўрнида «Тез ёрдам» ва эмлаш шохбачаси ишлаб турибди.

– Бу шохбача Сурхон қишлоғидаги оилавий поликлиникага бириктирилган, – дейди шу худудда яшовчи Шукрулло Турдиқулов. – Бемор бирор тиббий текширувдан ўтиши лозим бўлса, 25 километр йўл босишига тўғри келади. Битта маълумотнома учун ҳам шу ёққа борамиз.

«Обод қишлоқ» дастурига кўра, Майдаёбудаги мавжуд шифо маскани замонавий тарзда таъмирланди. Бироқ унда ҳеч қандай мақом йўқ. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари қишлоғимизга келиб, бугунги ҳолатни ўз кўзлари билан кўрсалар ёмон бўлмасди. Жилла курса, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли мақомида бўлса ҳам қишлоқдаги шифохонани ишга тушириш зарур.

Минг хил касаллик бор. Оғирроқ беморлар туман марказига юборилса ҳам, қолганлари шу ерда даволанса кошки эди. Ҳомилдор аёлларни «Тез ёрдам» машинасида, яъни «Дамас»да 55 километр узоқликдаги туман тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ мажмуасига олиб

боришга ҳожат қолмасди... Дастур шарофати билан Майдаёбунинг эски, чириб тамом бўлган симёғочлари ўрнида темир бетон устунлар ўрнатилганидан халқ хурсанд. Янги трансформатор пунктлари олиб келиниб, электр таъминоти яхшиланадиган бўлди.

Барча қишлоқларга хос бўлган йўл

рини оддий ҳашар билан бажариш мушкул иш. Бунга туман йўл қурувчиларининг техникалари ва меҳнати билан эришиш мумкин... Майдаёбуда мактабгача таълим муассасаси ишламайди. Икки қаватли болалар боғчаси биноси анча тўкилиб қолган. Уни таъмирлаб, ишга туширадиган тадбиркор эса чиқмапти.

лади. Атрофдаги қишлоқлардан келиб, ушбу сувдан дардига шифо топаётганлар ҳам бор. Бу сувни махсус автомашина билан қишлоқ оралаб, ҳовузлиримизга куйиб беришади. 30-40 минг сўм пул берамиз. Ичамиз, ювин-чайинга ишлатамиз. Самарқандлик ишбилармонлар бу ерда сихаттоқ ишга тушироқчи бўлиб, ҳаракат бошлашди. Утган йиллари қурилиш ишлари қилинди. Бироқ бу йил улар негадир жимиб кетишди. Маблағида қийинчилик туғилди, билмадик.

«Обод қишлоқ» дастурига кўра, қишлоқда иккита артезиан қудуғи қазилиб белгиланган. Аҳоли уларнинг ишга туширилишини интизорлик билан кутмоқда. Йил эса яримлади...

Майдаёбудаги муаммолар

муаммоси Майдаёбуда ҳам мавжуд. Ёзда тизза бўйи тупроқ, қишда эса билч-билч лой кишининг таъбини хира қилади.

Қишлоқ кайвонилари қараб туришгани йўқ. «Бирлик», «Гулшантўқ», «Галасўфи» маҳаллалари нуронийлари ёшларнинг бошини қовуштириб, ҳашар йўли билан қишлоқ йўлига тупроқ ва тош тўкишди. Бирликда 2,5 километр, Гулшантўқда 1 км, Галасўфида 800 метр йўл эпақага келтирилди. Бироқ дастурга кўра белгиланган 43 километрлик асосий йўлни текислаш, шағал тўкиш ишла-

Қишлоқ айлиниб, тадбиркор Олимжон Эргашев ташландиқ, авария ҳолига келиб қолган дўконни таъмирлаётганига кўзимиз тушди.

– Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами арафасида озиқ-овқат ва хўжалик моллари сотишга мўлжалланган дўконларни ишга туширамиз, – деди тадбиркор.

– Қишлоғимиз худудидан шифобахш иссиқ сув қайнаб чиқади, – деди биз билан суҳбатда «Майдаёбу» МФЙ «Нуронийлар» кенгаши раиси Зиёдулла Зулфиев. – Аҳоли шу сувдан истеъмол қи-

Хуллас, Майдаёбунинг обод қишлоққа айланиши учун кўпгина зарур чора-тадбирлар белгиланган. Ишлар кетяпти. Аммо қилинажак ишлар ҳам кам эмас.

Таъкидлашни истардикки, ҳаётга татбиқ этилаётган «Обод қишлоқ» дастурини ўлда-жўлда ёки чалакам-чатти бажаришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Чунки бу ишлар бўйича ҳисоб халқ олдида берилади, унинг баҳосини ҳам халқ қўяди...

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»



«Ishonch»га жавоб берадилар

Таъбир чоралари қўлланган...

Ўзбекистон Республикаси Президенти администратсияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги «Ishonch» газетасининг шу йил 25 май кунги сонидаги «Ҳаёт – қимор... эмас!», 28 май сонидаги «Қопқоқ остидаги «қопқон» ёхуд турли акциялар ва лотерея шоуларининг зарари» сарлавҳали мақолаларга қуйидагича муносабат билдирди:



Мазкур мақолаларда бузғуннинг долзарб мавзуларидан бири – телеканалларда ютуқли акциялар ва лотерея шоулари намойиш этилаётгани орқали салбий ҳолатлар баён этилган. Тегишли савдо шохбачаларидан бирон-бир буюм (пул тўлаб) ёки турли салқин ичимликларни сотиб олиш орқали ўйин иштирокига айланган натижасида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар, айниқса, бу жараённинг ёшлар таъминлайдиган «WVF», «Tizer», «Sitra», «OK», «Jesco» ичимликлари рекламаси намойиш этилмоқда.

Мазкур дастурлар ҳамда маҳсулотлар рекламалари Агентлик томонидан доимий равишда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоясини таъмин-

лашга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги тизимли асосда таҳлил этиб борилмоқда.

Мисол учун, ўтган давр мобайнида эфирга узатилаётган ушбу ичимликлар рекламалари намойишида ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи қайд этилмагани, ушбу ҳолатларда «Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 22 октябрдаги 848-сон қарори билан тасдиқланган «Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 12-банди талаблари бузилгани учун Агентлик томонидан ўз ваколатлари доирасида телеканалларга тегишли таъсир чоралари қўллангани маълум қилинади.

Карантин янгиликлари

Экспорт имкониятлари кенгайдими?

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан «Ўсимликлар клиникалари – қишлоқ хўжалигида замонавий ёндашув» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда фитосанитар хавфсизлиқни таъминлаш, зарарли организмлардан холи ва экологик тоза маҳсулот етиштириш, чет давлатларга мева-сабзавот экспортини янада кучайтириш, миллий маҳсулотлар учун янги бозорларга йўл очиш борасида сўз юритилди.

МОБИЛЬ ЛАБОРАТОРИЯЛАР

Тадбирда таъкидланишича, инспекция юртимизнинг фитосанитар ҳолатини яхшилаш, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга кўмаклашиш ва қулайликлар яратишга оид қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Хусусан, айни вақтгача 96 та фумкамера ташкил этилган бўлиб, улар сонини яқин 2 йил ичида 200 тага етказиш кўзда тутилган. Ҳозирга қадар атиги битта марказий лаборатория ишлаган бўлса, эндиликда ҳар бир худудда лабораториялар фаолияти йўлга қўйилиб, хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Ўзбекистонда илк мартаба Хоразм, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида карантин лабораториялари ташкил этилди.

Бундан ташқари, ISUZU автобуси базасида 2 мобиль (сайёр) лаборатория ташкил этилди ва йил охиригача улар сонини 10 тага етказиш режалаштирилган. Бу ҳам асосан экспортчилар учун хизмат қилади, ортиқча вақт ва маблағ сарфлашининг олди олинади.

СЕРТИФИКАТНИ ДАЛАДА ОЛИШ МУМКИН

Аввал инспекция тизимида 2-3 та туманга фақат бир инспектор хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунда ҳар бир туманда камида 2-4 нафар ва ундан ортиқ карантин инспекторлари ишламоқда. Бунинг эвазига дала назорати сезиларли даражада ошган. Экспортчилар учун энг асосий ҳужжат ҳисобланган, хорижий давлатлар томонидан тан олинган фитосанитар сертификатларни далада олиш учун авваллари 15 кун олдин мурожаат қилиши керак бўлса, бугунги кунда сертификатлар бир кунда расмийлаштириб берилмоқда.

17 ТА ДАВЛАТДАН РУХСАТНОМАЛАР

Шу билан бирга, чет эл мамлакатлари, компания ва корпорациялар билан ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Бир йил давомида 200 дан ортиқ турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти учун 17 та давлатнинг фитосанитария рухсатномалари олинди. Биргина қовун экспорти бўйича Япония, Ҳиндистон, Марокаш каби давлатлар билан келишувга эришилди, жорий йилда яна АҚШ, Буюк Британия, Вьетнам, Таиланд, Индонезия, Иордания сингари мамлакатлар карантин хизматларидан экспорт учун рухсат олиниши кутилмоқда.

Аъзамжон АБУЛҲАЙДОВ,
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Фарғона туманининг Чимён қишлоғи-лик Умиджон Эргашев меҳнатидан бахт топганлардан. У 15 йилдан буюн бол етиштириш билан шугулланади. Истиқомат жойидан анча олисда – Наманганнинг Чодак қишлоғида асалари парвариш қилаётган тадбиркорнинг ишларига ҳавас қилса арзийди.



Асаларичилик

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Томчисида минг гулнинг тотти

– Чодак тоғларида камёб ўсимликлар кўп, – дейди Умиджон Эргашев. – Уларнинг гулдан олинган бол эса жуда шифобахш. Тўғри, Фарғонада ҳам яхши асал етиштириш мумкин. Лекин тоғ асалининг хусусияти бошқача-да! Ҳозир асал дея турли қиём ва мурabboларни озгидан бол томиб мақтайдиган сотувчилардан кўпи борми? Харидорларга эса табиий асал керак.

Асалари – ҳосиятли жонивор. Шу митти жонивор меҳнатининг баракаси туфайли минг бир дардга даво

неъмат яралади. Бир томчи асалда минглаб гул тотти мужжасам.

Тинимсиз изланиш ва меҳнат натижасида Умиджон ака ўтган йили 1 тонна асал етиштирди. Ҳозир у 500 та асалари оиласини парвариш қилмоқда. Боларилар тоғ шароитида озикланаётгани учун ҳам нафақат мижозларнинг, балки соҳага қизиқувчиларнинг сафини ҳам кенгайтирмоқда.

Огоҳлик

Шу йилнинг 10 май кун соат 7:40 ларда Аъзам (исм-шарифи ўзгартирилган) нонуштага егулик олиб келиш ниятида дўконга отланди. Бироқ... уйда автомашина турганда, пидеда юриш нимаси? Тезда бориб-келишини айтиб, онасидан «Нексия»нинг калитини сўради. Она она-да, ҳали замон ўғлининг мактабга бориши, кечгача чарчаб қолишини ўйлаб, унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлиги, автоматкабда ўқиб-ўрганмаганини ҳисобга олиб ўтирмади. Рухсат берди. Қолаверса, бу биринчи марта эмас эди...

Автомобилдан сақланинг: УЛОВ ЧАМБАРАГИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?



Аъзам кўчада, йўлнинг чет-ида турган беш ёшли Турсуналдини кўрмай қолди. Бир зумда қий-чув бошланиб, болакайни «Тез ёрдам» касалхонага олиб кетди.

Воқеадан хабар топган Икром ака ва Мақсуда опа мингдан-минг пушаймон ейишди. Бироқ вақт ўтган, уни ортага қайтариб бўлмас эди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: 10-синф ўқувчиси Аъзам, унинг ота-онаси наҳот автомашина ҳайдаш

уриб юборган. Ёки 1985 йилдан, яъни 34 йилдан бери автомашина чамбарагини тутиб келаётган яшнободлик У.Н. 10 апрель кун, Олмазор туманилик Қ.Й. эса 11 апрель кун ўз шахсий автомашинасида пидеани уриб юборишган. Жабранувчилар тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилган.

Нима демоқчи эканлигимизни тушуниб етдингиз, албатта. Шу боис, ота-оналар фарзандлари хоҳиш-истакларига изн беришдан аввал, мушоҳада қилиб кўришса, фойдадан холи бўлмайди.

Ҳар бир ҳаракат иштирокчиси йўлга чиқар экан, диққат-эътиборини ўзи ва ўзганинг хавфсизлигини таъминлашга қаратмоғи, қондалар, йўл белгилари, светофор, йўл чизиқлари ишораларига қатъий амал қилишлари лозим.

Азиз юртдошлар, ҳаракат оқимида кўшилдингизми, марҳамат, мавжуд қондаларга риоя қилинг. Унутмангки, сиз ўзингиз ва бошқаларнинг ҳаёти, саломатлиги учун жавобгардирсиз.

Ш.САФАРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ
Матбуот хизмати катта инспектори, майор

Директорнинг биринчи ўринбосари

А. Ходжиметов

Қонунчилик талаблари бузилмаган

Ҳар икки мақола Тошкент шаҳар прокуратурасида ўрганиб чиқилган. Шаҳар прокурори ўринбосари имзоси билан келган хатда, жумладан, шундай дейилади:

ҚОПҚОҚ ОСТИДАГИ «ҚОПҚОН»



«Тизер» акцияси Сергелли туманида рўйхатдан ўтган «Smile Lux» МЧЖ, «Ситро» акцияси Бектемир туманидан рўйхатдан ўтган «Imir – Trade Group» МЧЖ томонидан ўтказилмоқда.

Ушбу тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ идоралари ўрганганда, уларнинг асосий фаолият тури «Алкогол-сиз ичимликларни ишлаб чиқариш» экани маълум бўлди.

Мазкур корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг харидорлигини ошириш мақсадида ютуқли акциялар ўтказилган бўлиб, унга кўра харидорлар ушбу ичимликларни харид қилиб, акция иштирокчисига айланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 16.07.2003 йилдаги 314-сонли қарори билан тасдиқланган «Ло-

Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари

А. Пулатов

Меҳрни оқлаш керак!

Афв этилган аёлларга мактуб

1 Утган ойда Зангиота тумани ҳудудидаги хотин-қизлар жазони ижро этиш мусассасида судлов ҳайъатининг сайёр суд мажлиси бўлиб, 6 нафар аёлнинг ўз қилмишидан пушаймонлиги, жазонинг асосий қисмини ўтагани ҳисобга олиниб, жазодан озод этилган тўғрисида қарор ўқиб эшиттирилди.

Уша кунни жиноят ишлари бўйича туман судининг сайёр суд мажлисида 1 нафар аёлнинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш ишига алмаштирилди.

Хотин-қизлар кўмитаси раиси Эльмира Боситхонова ушбу аёллар учун қарор қабул қилиб, бундан кейин уларни ўз назоратида олишини таъкидлади.

Афв этилганларнинг сўзларига қулоқ тутамиз: «Билмай қилганман», «Адашиб аралашиб қолганман», «Соддалик қилдим», «Мени алдаб шу йўлга бошлади».

Қараб туриб раҳминг келади. Аллақачон умрига куз оралаб қолган, кўзларидан нур қочган аёллар ҳам бор улар орасида. Бири пенсия ёшида, қилмишидан минг пушаймон бўлиб шундай дейди: «Гийҳванд модда савдоси билан шуғулланганим учун 14 йилга қамалдим. Жазонинг 13 йилини шу ерда ўтатдим. Афв тўғрисида мuddатдан олдин бу ердан чиқмоқдаман. Қайтиб бу ишга қўл урмайман».



13 йил ичида Ўзбекистон гўзал келинчадек ороланди. Оқил, ориф куёвдек саодат қасри томон отланди. 13 йил ичида олам 13 минг хил жилланди, ўз йул ичида 10 ёшли фарзандинг 23 ёшга кирди. Сен аёл бўлиб, она бўлиб унга нима ўрнат қўрсата олдинг? Бахтли болаларнинг оналари уларнинг ортидан турли қўриқ-танловларга борди. Боланг эса сени қўриш учун темир панжара ёнига келиб, маюс-маюс боқди. Атрофда ҳамма ҳам ширинсўз эмас. «Унинг онаси қамокда», «Жиноят-

чининг боласи ким бўларди?» каби шивир-шивирлар уни еб қўйган. Сен сотмоқчи бўлган заҳарнинг асосий харидорлари гўр ёшлар бўлишини билар эдинг. У сабаб 10 та йигит ёки 10 та ота тирик мурдага айлангани билар эдинг. У сабаб 10 та йигит ёки 10 та ота тирик мурдага айлангани билар эдинг. У сабаб 10 та йигит ёки 10 та ота тирик мурдага айлангани билар эдинг. У сабаб 10 та йигит ёки 10 та ота тирик мурдага айлангани билар эдинг.

Бугун қурраи заминда «Асп вабоси» деб аталган ОИВ ва ОИТС иллатлари 25 миллиондан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлган, 40 миллиондан ортиқ одам касаллик исканжасида. Бу хасталиклар асосан сен кабилар пуллаган гийҳванд

моддалар орқали юқиши эса ҳеч кимга си эмас. Демак, уларнинг гуноҳи сен кабилар бўлибди.

Махсус мактаб-интернатларга борсанг, кўрасан: ўнг томондан чап томонга ҳамшира-ю тарбиячи опаларининг ёрдამисиз қайрилиб қарай олмайдиغان гўдақлар бор.

Бу болаларнинг ярми наркотик оғулар – психотроп моддалар истеъмол қилганларнинг болалари. Ёмоннинг касрига учраган мурғаклар.

Балки бу болалар ичида сен сотган оғудан истеъмол қилганларнинг ҳам фарзандлари бордир. Йўқ, деб кўр-чи? Агар ҳуқуқ органлари хушёр бўлмаганда нима бўларди?

Яна қанча ёстиқлар курир эди! Дунёнинг кўп мамлакатларида оғу-фурӯшлар жиноят айби аниқ бўлиши билан қайси давлат фуқароси бўлишдан, ким бўлишдан қатъи назар, отувга ҳуқуқ қилинади.

Аммо бизнинг давлатимиз кечирди. Кечирди шуларнинг иши. Энди сиз ишонч йўғрилган кечиримга лойиқ бўлинг! Бу бағрикенглик қошида тиз чўкин!

Оғу тўғрисида майиб-мажруҳлар бўлганлар, етимлар – уяси бўзилаётган поллопонларнинг чирқириши, уқубатлар, мотамлар ҳақи ТАВБА қилинг! ТАЗАРРУ қилинг!

Муҳтарам Президентимиз кечиримдан тўғри хулоса қилинг. Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотишини унутманг. Ушбу афвалар сиз кабиларнинг миллат олдида, одамзод олдида қарзингиз, аёл эканингиз ёдингизга келиши учун эслатмадир.

Зулфия МҲМИНОВА, шоира

Эълонлар

«NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Навоий вилояти прокуратурасининг 2019 йил 8 июлдаги хатига асосан қуйидаги автотранспортлари қўйилмоқда:

- 1. Д/р 85 720 ZDF бўлган «Ласетти» русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 54 460 000 сўм.
- 2. Д/р 85 705 ZDF бўлган «Нексия» русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 38 000 000 сўм.
- 3. Д/р 85 710 ZDF бўлган «Нексия» русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 34 500 000 сўм.
- 4. Д/р 85 709 ZDF бўлган «Нексия» русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 36 000 000 сўм.

Аукцион савдолари савдога қўйилган мулклар рўйхати ва қиймати ўзгаририлмаган ҳолда 2019 йил 9 август кунини соат 11:00 бўлиб ўтади. Мазкур 2019 йил 9 августдаги савдога харидорлардан ариза тушмаган тақдирда навбатдаги аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш учун: «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули ҳамда аризаларни рўйхатдан

ўтказиш ва ахборот маслаҳат консалтинг хизмати учун энг кам иш ҳақининг уч баравари, яъни 608190 (Олти юз саккиз минг бир юз тўқсон) сўм миқдорда комиссия тўловни Савдо ташкилотчиси-нинг ҳисобрақамига «NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖ, «Санот-агроқурилишбанк»нинг Навоий шаҳар филиали, МҲО: 00207, ИHN: 303793673, х/р: 20208000400587033001 тўлайди.

Талабгорлардан аризалар Навоий шаҳри, Ломоносов кўчаси, 5-уй манзилида (жума, шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.


Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланганидан 1 (бир) кун олдин 11:00 да тўхтатилади.

Мазкур транспорт воситалари билан ағалик ташкилот вакиллари ҳамроҳлигида жойига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ломоносов кўчаси, 5-уй. Мўлжал: 10-кичик туман деҳқон бозори. Телефонлар: (91) 309-11-01. (91) 438-57-77.

Гувоҳнома: № 44

Мутолаа



Журналнинг илк саҳифасидан Асқад Мухторнинг «Ҳаётга муҳаббат» шеъри жой олган. Аллоҳ инъоми – ҳақиқий истеъдод ва ақл кучи билан битилган шеър, ҳаётнинг асл маънаси билан сўзлаб, кўнгил торларини чертади. Инсонни фикр қилишга ундайди:

МАЪНАВИЯТ УММОНИДАН ДУРЛАР

«Маънавий ҳаёт» журналининг ушбу йилдаги 2-сонини нашрдан чиқди

...Ҳиссиёт ҳаётнинг аслига тўғри, Идрок гоҳо яқин, гоҳо йироқдир. Ҳаётга муҳаббат ва яшашнинг ўзи Ҳаёт маъносидан улғурокдир.

«Замон ва жараён» рунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, публицист Сайди Умировнинг «Маънавият отлиғ бир денгиз...» сарлавҳали мақолада мамлакатимиздаги маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилади. Президентимизнинг жорий йилнинг 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан белгилаб берилган вазифаларнинг нақадар долзарблиги, ёш авлод камоли учун нечоғлик муҳимлиги таъкидланади.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди кўплаб адабиётшунослар томонидан ўрганилган бўлса-да, бу «маънавият уммони» ҳали-хунуз тадқиқ этилмоқда. «Тарихнинг номаълум саҳифалари» рунда Шухрат Сирожиқовнинг «Навоий Ҳиротда туғилганми?» тадқиқотида янги дурларни топганига яна бир қарра шохид бўлсаки:

«Қалтис даврдаги қалтис қадамлар», «Тухум ичкаридан синдирилса», «Юз йиллик ёзувлар», «Матонат мадҳияси», «Тушларимда келинг, онажон», «Босқинчиликми, босмачилик?», «Тақдир тандининг «иссиқ нон»лари» каби мақолаларда ҳам ин-

сон, унинг кўнгил кечинмалари, хаёли-ю ҳаёти, баъзан равон, гоҳо чигал сўмоқлардаги қувончли-ю изтиробли одимлар турфа лавҳалар, суҳбат ва тарихий манбалар мисолида акс этади. Барчаси ўзининг залвори, бугун ва эрта учун бирдек долзарблиги билан ажралиб туради.

Муулмон Намознинг «Шайхнинг «мен»ни англаш изтиробини» мақоласида кўнгилдаги эвришилар сабаб инсоннинг «ўзини топишга интилиши, бу йўлдаги «азоб» мусаввирнинг қалами янглиғ ўқувчи қалбда ҳам ўз суратини чиздади. Ёш авлодга бойлик эзгу мақсад йўлида бир воситагина бўлиши, етук инсон бўлиб жамиятга нафи тегса, бу энг катта саодат эканлигини ўқитиётган, «ўз» ва «ўзлик» ўртасидаги икки ўт орасида қоврилган иждоқор ҳаётидан ўтаётган ҳақиқатларни ифода қилиш, шундай хулосага келади: «Бир йил ўй борса, бу – инсонлардаги «ўзлик»дан «ўзга» қайтиш, ўзининг ёркин «мен»ни намён этиш жараёнини тезлаштиришга қобил бўлган ҳар қандай ҳаракатга ёрдам бериш. Навоий бобомиз айтганлариди:

Эл немиб топқай менчиким, мен ўзимни топмасам!» Хуллас, журнални кўлга олган борки, ўқий туриб, унинг ичига қандай сингир кетганини билмай қолади. Баъзи мақолалар қаҳрамонлари билан ёнма-ён бўлади, улар билан яшайди, қувона қувонади, дард чекса изтиробига шерик бўлади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,

«ISHONCH»

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси! «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига «BUXOROPARRANDA» акциядорлик жамиятининг 09.07.2019 йилдаги 126-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1-ЛОТ: 1991 йилда и/ч, д/р 80/855 JAA бўлган «GA3-3307» русумли махсус цистерна. Бошланғич баҳоси – 18 000 000 сўм.
- 2-ЛОТ: 1984 йилда и/ч, д/р 80/873 JAA бўлган «KAB3-685» русумли автобус (йўловчи ташувчи). Бошланғич баҳоси – 3 600 000 сўм.
- 3-ЛОТ: 1990 йилда и/ч, д/р 80/691 AA бўлган «Т-28x4MCI» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 6 400 000 сўм.
- 4-ЛОТ: 1990 йилда и/ч, д/р 80/694 AA бўлган «ЮМЗ-6КЛ» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 4 500 000 сўм.
- 5-ЛОТ: 1992 йилда и/ч, д/р 80/686 AA бўлган «MT3-800» русумли трактор. Бошланғич баҳоси – 16 000 000 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 13 август кунини соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида ташкил қилинади.

2019 йил 13 август санасида аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 20, 27 август саналарида ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома расмий иш кунлари 13.08.2019 йилдаги савдо учун 12.08.2019 йилгача, 20.08.2019 йилдаги савдо учун 19.08.2019 йилгача, 27.08.2019 йилдаги савдо

учун 26.08.2019 йилгача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушди).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пуллари тўлашлари;

– жиқсоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этишлари сўралади.

Аукцион савдоси голибига 10 кунлик муддат ичида олд-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олд-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун рекевизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, СТИР: 305300366, МҲО: 00115, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бухоро минтақавий филиали, х/р: 20208000300842711002.

«Аукцион ташкилотчиси» – «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй. (2-қават). Тел: (90) 511-15-05. E-mail: bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома: № 576174

«SPARTAK KONSALTING»

масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига «Агроким-Эҳимоя» АЖ Қорақўл тумани филиалининг 2019 йил 7 июлдаги буюртма-хатига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Бухоро вилояти Қорақўл тумани «Қорақожи» МФЙ, Қорақожи қишлоғида жойлашган «Биолаборатория» биноси.

Умумий майдони – 315,0 м², қурилиш майдони – 315,0 м², фойдали майдони 266,3 м².

Бошланғич баҳоси – 38 620 055 сўм.

2. Бухоро вилояти Қорақўл тумани «Дарғали» МФЙ, Дарғали қишлоғида жойлашган «Биолаборатория» биноси.

Умумий майдони – 296,0 м², қурилиш майдони 122,4 м² ва фойдали майдони 107,8 м².

Бошланғич баҳоси – 18 120 528 сўм.

3. Бухоро вилояти Қорақўл тумани «Жигачи» ҚФЙ, Жигачи қишлоғида жойлашган «Жигачи минерал ўғит соати шохобчаси» биноси

Умумий майдони – 536,0м² ва қурилиш майдони 536,0м².

Бошланғич баҳоси – 37 802 002 сўм.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат

9:00дан 18:00гача Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Аукцион савдолари 2019 йил 26 июль кунини соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.

Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2019 йил 25 июль кунини соат 18:00 гача.

Аукцион голибига савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида бинога бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олд-сотди шартномасини тузиш ҳамда олд-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридан закалат пуллари тўлашлари;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароси – паспорт нусхаси;

– хорижий юридик шахслар – устави билан белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

– хорижий фуқаролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

– Ўзбекистон Республикасида доимий ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоми нусхаси, вакил иштирок этганда эса ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Мазкур бинолар 2019 йил 26 июль кунини ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда биноларнинг такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 2-, 9-, 16-, 23-, 30 август ва 6-, 13-, 20-, 27 сентябрь кунлари соат 11:00да ўткази-лишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00да тўхтатилади.

Буюртманомалар иш кунлари (яъни шанба ва яқшанба ҳамда Байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамия-тининг ҳисобрақамига («Ипотeka банк»нинг Бухоро шаҳридаги Сардор филиали, х/р:20208000804942181001, МҲО: 00119, СТИР: 302131286) тўлашлари шарт.

Манзил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кў-часи, 44-уй. Тел: (0365) 221-51-81. E-mail: spartak_consulting@mail.ru. Веб-сайт: www.sk7.uz

Лицензия RR-0079.

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоси келишилган нарҳда. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «Ipoteka банк» Яшновод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон – (+998-99) 889-90-23. Бухоро – (+998-99) 889-90-31. Жиззах – (+998-99) 889-90-34. Наманган – (+998-99) 889-90-02. Навоий – (+998-99) 889-90-28. Тошкент – (+998-99) 889-90-25. Самарқанд – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32. Фарғона – (+998-99) 889-90-24. Хоразм – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдурахмонов. Мухасши: С. Шодиева. Саҳифафалочи: Х. Абдуқалимов. ЎзА яқини – 00:15. Топширилди – 00:40. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 717. 28370 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлианиши мумкин. 1 2 3 4 6